

Мисрда Қуръон ёдлаш бўйича халқаро мусобақа бошланди



14:30 / 16.02.2021 1596

15 февраль куни Мисрнинг Порт-Саид вилоятида Халқаро Қуръон мусобақасининг тўртинчи босқичи бошланди.

Al Shuruk веб-сайтнинг хабар беришича, Қуръон ёдлаш мусобақаси қўмитасининг йиғилиши 15 февраль куни Ал-Азхар мусхаф тузатиш қўмитаси раиси Абдул Карим Солиҳ ва шайх Абдулфаттоҳ Тарутий ва унинг аъзолари иштирокида бўлиб ўтди.

Ўқув мусобақасининг мувофиқлаштириш қўмитасининг йиғилишида Порт-Саид Халқаро Қуръони Каримни ёд олиш бўйича ташкил этилган танлов шайх Маҳмуд Халил Ҳусорий хотирасига бағишлаб ўтказилаётгани маълум қилинди. Мусобақа Порт-Саид губернаторлиги маданият марказида

душанба куни бошланди.

Йигирма иккита мамлакат номидан 52 нафар қорилар мусобақаларда қатнашдилар.

Ушбу мусобақа Миср Бош вазири Мустафо Мадбули ва Порт-Саид губернатори Адел Эл Ғазбан назорати остида ўтказилди.

Хуршид Маъруф тайёрлади